

ОЗИҚ ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Бойкўзиева Гулсанам Адхамовна

“Менежмент” кафедраси таянч докторанти, Фарғона политехника институти
ulsanam_77@icloud.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7845636>

Аннотация: Мақолада асосий эътиборни озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарув механизмларини такомиллаштиришда назарий ёндашувлар, иқтисодчи олимларни бошқарув механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ёндашувлари, соҳа корхоналарини бошқаришдаги таснифий белгилар ҳамда озиқ овқат саноати корхоналарини бошқаришга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таъсири баҳоланган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, маҳсулот сифати, озиқ овқат хавфсизлиги, бошқарув тизими, самарадорлик, механизм, бошқарув жараёнлари, интеграция, инновацион бошқарув, бошқарув самарадорлиги.

Кириш: Маълумки, озиқ-овқат саноати миллий иқтисодиётнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кенг тармоқли соҳаси ҳисобланиб, унинг таркибида гўшт-сут, сут-ёғ, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, макарон, мева-сабзавот консервалари, шарбатлар, турли-туман ичимликлар, шакар, қандолатчилик маҳсулотлари, нон ва бошқа ноз-неъматлар ишлаб чиқарадиган корхоналар мужассамлашган. Бугун дунёда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва унинг таоминлаш масаласи глобал муаммолардан ҳисобланади. Мазкур муаммо ривожланган давлатлар билан энди ривожланаётган мамлакатлар учун бир хил аҳамиятга эга. Шу маънода, республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини сифатли маҳсулотлар билан қондириш долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳонда аҳоли сони билан биргаликда озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳажмининг ҳам мос равишда ортиб бориши натижасида озиқ-овқат саноати корхоналари томонидан сифатли ва хавфсиз бўлган экологик талабларга мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, соҳада меҳнат унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали мамлакатлар озиқ-овқат саноати тармоғининг миллий ва глобал даражадаги рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган тадқиқотларга устуворлик қаратилмоқда.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноатида мева-сабзавотни қайта ишлаш, гўшт-сут, ёғ-мой ва озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларига тегишли 200 га яқин корхоналарни бирлаштирган ва улар билан ҳам горизантал ҳам вертикал сифатда ўзаро муносабатлар тизими йўлга қўйилган. Агар уч йил олдин озиқ-овқат саноатида ёғ-мой ва тамаки тармоқлари салмоқли улушни ташкил этган бўлса, ҳозирда таркибий ўзгаришлар ҳисобига маҳсулотларнинг 60 фоиздан кўпроғини мева-сабзавотни қайта ишлаш, гўшт-сут, қандолатчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилади.

Юртимизда 11 минг 800 дан ортиқ мева-сабзавот, гўшт ва сутни қайта ишловчи, қандолат, алкогольсиз ичимликлар ва ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва бошқа турдаги озиқ-овқат саноатига ихтисослашган корхоналар фаолият олиб бориб,

2019 йилда ушбу корхоналар томонидан 150 минг тоннадан ортиқ мева-сабзавот консервалари, 49 минг тонна сут ва сут маҳсулотлари, 13 минг тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 8 минг тоннадан зиёд колбаса маҳсулотлари, 400 минг тоннага яқин шакар, 5 минг 204 тонна ўсимлик ёғи, 26 минг тонна маргарин, 650 миллион литрдан зиёд алкогольсиз ичимликлар, 139 миллион литр минерал сув, 174 миллион литр пиво, 10 миллиард донадан зиёд тамаки ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини таоминлашда экспорт ҳажмини кенгайтириш муҳим омиллардан саналади. Таармоқ корхоналарини устувор йўналишларидан бири айнан маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт салоҳиятини оширишни ўз ичига олади. Соҳа корхоналари томонидан тармоқ корхоналарнинг экспорт географиясини кенгайтириш устида олиб борилаётган амалий ишлар натижасида мева-сабзавот концентратлари ва консервалари, қуритилган мевалар, қандолат, ёғ-мой, салқин ичимликлар каби 80 дан турдан ошиқ маҳсулотларни дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига экспортини ташкил этишга эришилди.

Озиқ овқат тармоғи корхоналари томонидан 2021- йилнинг январ-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 13,5 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 107,5 % ни ташкил этган бўлса, 2022- йилнинг январ-март ойлари якунларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 11,8 % ни ташкил этди, ўтган йилга нисбатан физик ҳажм индекси эса 3,9 % га ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми 10 808,7 млрд. сўмни ташкил этади.

2021- йилнинг январ-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат таркибида ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 2,3 % ни, унинг физик ҳажм индекси эса 106,2 % ни ташкил этган бўлса, 2022- йилнинг январ-март ойлари якунларига кўра, ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 2,4 % ни ташкил этди, ўтган йилга нисбатан физик ҳажм индекси эса 104,4 % ни ва ишлаб чиқариш ҳажми 2 211,0 млрд. сўмни ташкил этади.

Статистик маълумотларидан кўришиб турибдики, соҳа корхоналарини барқарор ривожланиш ҳамда самарали фаолият кўрсатиши учун соҳада модернизация, инновацион техноогияларни жалб этиш, инвестицияларни киритиш каби долзарб йўналишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг етакчи тармоғи саналади. Унда 3,6 миллион киши, я'ни иқтисодиётда банд бўлганларнинг 27 фоизи ишлайди. ЯИМда тармоқ улуши 32 фоизга тенг бўлса, соҳада фойдаланиладиган ер майдонлари республика ҳудудининг 45 фоизини эгаллайди. Ҳозирги вақтда 180 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинаётгани диққатга сазовор албатта. Яна бир э'тиборли жиҳати, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг кластер усули йўлга қўйилиб, у кенг қулоч ёзаяпти. Улар билан қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг 62 фоизи пахта-тўқимачилиқда, 8 фоизи чорвачилиқда ва 7,5 фоизи мева-сабзавотчиликда қамраб олингани бунинг тасдиғидир.

Соҳадаги мавжуд муаммолар сарасига соҳа корхоналарида қабул қилинган лойиҳалар амалга оширилганлиги ва сув та'миноти тегишлича қисқарган тақдирда 2025-йилда сув тақчиллигини қоплаш учун суғориладиган ерларда томчилатиб суғоришни жорий этиш талаб этилади. Бу катта миқдордаги инвестицияларни тақозо қилади, албатта.

Аммо томчилатиб суғориш қўлланиладиган минерал ўғитлар ҳажмини маълум даражада қисқартириш имконини беришини ҳам унутмаслик лозим. Бу етиштирилаётган озиқ-овқат таннархини пасайтириш ва ер сифати ёмонлашиши муаммосини ҳал этишга кўмаклашди. Демак, ҳосилдорлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг кўшимча ҳажмларидан олинадиган фойда ҳам ошади.

Айни чоғда деҳқончилик маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш вазифаларини ҳал этиш учун замонавий агротехнологиялар жорий этилишини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва тайёрлаш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва сотишнинг самарали тизимини яратиш ҳам муҳим.

Прогнозларга қараганда 2025-йилга бориб Ўзбекистон ўртача даражадан юқори даромад оладиган мамлакатлар гуруҳига ўтиши мақсад қилинган. Бу турмуш тарзи, хулқ-атвор андозалари, овқатланиш таркибини тегишли тарзда ўзгаришига олиб келади. Шуларни эътиборга олган ҳолда бир қанча товарлар бўйича қайта ишланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари улуши ўсишини таъминлаш зарур бўлади. Қолаверса, овқатланиш стандартлари ва меърларини жорий этиш (шу жумладан, микроэлементлар ва зарур нутриентлар мавжуд бўлиши, зарарли моддалар, турли кўшимчалар, бўёқлар, таъмир берувчилар, эмулгаторларни назорат қилиш, тайёрлаш, ташиш технологияларига риоя қилишни назорат қилиш), шунингдек, овқатланиш сифати устидан назорат қилиш механизминини янада ривожлантириш лозим. Аҳолининг овқатланиш моделини яхшилаш мақсадида соғлом овқатланиш тўғрисидаги зарур ахборотни тарқатиш, бу борада тиббиёт муассасалари фаоллигини ошириш лозим.

Озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашда фойдаланиладиган масаллиқлар -товарларни етиштириш, кўпайтириш, тайёрлашқишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ўсимликшунослик ва чорвачиликни ва у билан боғлиқ бўлган саноат тармоқларини роли нихоятда катта. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати асосан хом-ашёга, қайта ишлаш технологиясига, маҳсулот таркибидаги кимёвий моддаларни сифат ва миқдор кўрсаткичларига, сақлаш, ўраш-жойлаш ва ташиш шартларига боғлиқ. Фойдаланиладиган хом-ашё кўпинча тайёрланган маҳсулотларни физик-кимёвий ва лаззатли хусусиятларини белгилаб беради. Булардан ташқари сифациз хом-ашё маҳсулотда бир қанча нуқсонларни пайдо бўлишига сабабчи бўлади (кўкариб капан буғдой донидан олинган ундан сифатли нон тайёрлаб бўлмайди ва х.к.). Овқат тайёрлашда ишлатиладиган масаллиқларни (маҳсулотларни) таркиби хусусиятлари ва сифат кўрсаткичлари уларни ўстирадиган ва етиштириладиган шароитларга боғлиқ. Овқат тайёрлашда рацептурани ва техналагик талабларни бузиши тайёрланган овқатни сифатини анча ўзгартиришига ёки уни сақлаш вақтида бузилишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш усуллари туфайли одамлар йил давомида соғлом овқатланиш режимини сақлашлари мумкин. Бир вақтнинг ўзида консерваланган португалиялик сардаля, шимолий-шарқий кашю шарбати ва аргентиналик шафтолини сиропда истеомол қилишингиз мумкин. Деярли ҳар бир киши ҳар куни табиатни муҳофаза қилиш жараёнидан ўтган овқатларни истеомол қилади: масалан, консерваланган апелсин шарбати, карне-де-сол, қуритилган сод, қуритилган мевалар, чўчка ёғи ва ўсимлик мойлари.

Ўсимлик хомашёларини қайта ишловчи корхоналарининг ўзи хомашёни бирламчи қайта ишловчи ва хомашёни иккиламчи қайта ишловчи сохалар корхоналарига ажратилади. Хомашёни бирламчи қайта ишловчи корхоналарга ун-ёрма, сочма шакар, консерва, бирламчи виночилик, спирт, тамаки ва чой япрог`ини бирламчи тайёрлаш, ўсимлик мойи ишлаб чиқариш корхоналарини киритиш мумкин. Уларнинг хомашёси дон, мева ва полиз экинлари хосили, мойли уруг`лар ва ҳоказо.

Хомашёни иккиламчи қайта ишловчи сохалар корхоналарига нон, макарон, кондитер, оқ қанд, иккиламчи виночилик, чой тортиш ва сигарета тайёрлаш, ёг`ни қайта ишлаш корхоналари (маргарин, маёнез, совун) киради. Бу корхоналар хомашёси эса бирламчи қайта ишлаш корхоналарининг махсулотлари: ун, сочма шакар, ўсимлик мойи, виноматериаллар ва ҳоказо.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини, давлат ва саноат корхоналарининг ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишнинг концептуал асосларини такомиллаштириш, озиқ-овқат саноати корхоналарини тармоқ рақобатбардошлигини ошириш стратегияларига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида мукаммаллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Саноатдаги технологик жараёнларни жадаллаштириш, юқори технологияли энергия ва ресурсларни тежовчи тизимларни яратиш, янги технологик асбоб-ускуналарни ишлаб чиқиш ва жорий этишда катта ютуқларга эришишилмоқда. Шунингдек, атроф муҳитга зарарли чанг ва газсимон аралашмаларнинг жуда кўп миқдорда ташланишига, бу билан атроф муҳитга чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган ме'ёридан ортиқ бўлишига ва атроф муҳитнинг сезиларли даражада ифлосланишига йўл қўйилмоқда.

Корхона фаолиятини диверсификациялаш орқали унинг рақобатбардошлиги даражасини бошқаришда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, жумладан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан максимал фойдаланиш, юқори даражадаги иқтисодий самарадорликка эришиш, корхонанинг банкротлик ҳолатларини олдини олиш, бизнес фаолияти юритиш сикллигининг рискли ҳолатларга боғлиқлиги даражасини камайтириш, бўш турган пул маблағларидан самарали фойдаланиш каби стратегик ривожланиш мақсадларига эришиш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ҳудудларда ихтисослашувни ривожлантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилаётганлигини инобатга олган ҳолда, кейинг йилларда республика ҳудудлари, жумладан, фарғона вилоятида озиқ-овқат саноати корхоналарини кластерли ривожлантиришнинг инновацион йўналишдаги ҳудудий ихтисослашган кластерини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

References:

1. Adxamovna, B. G. (2022). Improving food safety mechanisms in Uzbekistan. World Economics and Finance Bulletin, 15, 135-139.
2. Adxamovna, B. G. (2022). Improving the organizational and economic mechanism of management of food industry enterprises. Conferencea, 71-75.
3. Adxamovna, B. G. (2022). Characteristics and development trends of the world food market. World Bulletin of Management and Law, 15, 86-90.

4. Kurbonaliyeva, I. G., & Adxamovna, B. G. (2021). The main causes of conflicts in higher educational institutions and the concept of their management. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 239-244.
5. Kurbonaliyeva, I. G., & Adxamovna, B. G. (2021). Innovative solutions for effective conflict resolution in higher education institutions. *South Asian Journal Of Marketing & Management Research*, 11(6), 33-37.
6. Adxamovna, B. G. (2021). The procedure for assessing the quality of internal mechanisms of corporate governance in the joint-stock company "Uzbek telecom". *South asian journal of marketing & management research*, 11(6), 28-32.
7. Adxamovna, B. G. (2021). Directions for Improving the Organizational and Economic Mechanism of Food Industry Management in the Digital Economy. *Central asian journal of innovations on tourism management and finance*, 2(12), 16-21.
8. Байкузиева, Г. А. (2019). Содержание и особенности структуры сельского хозяйства в регионах в условиях модернизации экономики. *Проблемы современной науки и образования*, (12-2 (145)), 102-105.
9. Байкузиева, Г. А. (2021). Пути улучшения внутренних механизмов корпоративного управления в акционерном обществе. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 20-33.
10. Байкузиева Гулсанам Адхамовна Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув ички механизмлари сифатини баҳолаш тартиби. 2021.